



“23” сентябрь 2020 y. № 01-06/960

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари (конструкциялари)
эгалари, реклама агентликлари
(рўйхат бўйича)**

Ўзбекистон Республикаси “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 23 октябрда имзоланган ва расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга кириши белгиланган.

Мазкур Қонунда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар, шунингдек, **рекламани тайёрловчилар ва тарқатувчилар фаолиятига оид чекловлар ўрнатилди.**

Хусусан қонунинг 10 - моддасига мувофиқ гўдаклар (бир ёшгача) ва кичик ёшдаги (бир ёшдан уч ёшгача) болалар учун она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни **реклама қилишга йўл қўйилмайди.**

Шунингдек, она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар тўғрисидаги рекламаларни оналар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида **тақиқланади (11-модда).**

Юқоридагиларга асосан, мазкур қонун **2020 йил 25 апрелдан** кучга кириши муносабати билан реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни **рекламасига йўл қўймаслик сўралади.**

Ўз навбатида, реклама ва Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда **жавобгар бўлиши** тўғрисида эслатиб ўтамин.

Директор

Э.Хайтметов